

**Асосий иқтисодий  
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2013 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	<b>61056,1</b>	<b>108,1</b>
<b>Саноат маҳсулоти</b>	<b>34658,1</b>	<b>108,1</b>
<b>Истеъмол товарлари</b>	<b>13773,9</b>	<b>110,8</b>
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти</b>	<b>15311,5</b>	<b>106,9</b>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>15014,5</b>	<b>110,8</b>
<b>Қурилиш ишлари</b>	<b>9394,2</b>	<b>117,4</b>
<b>Юк айланмаси, млрд.тн–км</b>	<b>40,2</b>	<b>102,5</b>
<b>Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км</b>	<b>45,8</b>	<b>105,1</b>
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>25909,8</b>	<b>113,7</b>
<b>Пуллик хизматлар</b>	<b>10186,3</b>	<b>109,7</b>
<b>Хизматлар, жами</b>	<b>36268,4</b>	<b>114,2</b>
<b>Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.*)</b>	<b>13962,4</b>	<b>106,3</b>
<b>Экспорт</b>	<b>7224,3</b>	<b>108,0</b>
<b>Импорт</b>	<b>6738,1</b>	<b>104,6</b>

\*Давлат божхона кўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

## Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

2014 йил январь–июнь ҳолатига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 61056,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2013 йил январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 8,1 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 80,8 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 19,2 фоизи – давлат секторига тўғри келди.


Январь–июнда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида



**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи  
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони – 273,3 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони – 244,8 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 89,6 фоизини ташкил қилди.

Тармоқлар кесимида рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 28,5 фоизи), саноат (17,2 фоизи), қурилиш (8,9 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (8,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2014 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	273,3	100,0	244,8	100,0
шу жумладан:				
саноат	46,9	17,2	42,0	17,1
қурилиш	24,3	8,9	20,9	8,5
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	22,9	8,4	20,2	8,3
транспорт ва алоқа	10,7	3,9	9,5	3,9
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	22,1	8,1	19,3	7,9
савдо ва умумий овқатланиш	77,7	28,5	67,1	27,4
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,9	1,4	3,3	1,4
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	11,1	4,0	10,6	4,3
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,9	8,0	21,4	8,7

Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда

бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари


31,8	11,6	30,5	12,5
------	------	------	------

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 85,6 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан

34,5 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 49,3 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2014 йилнинг январь–июнида жами 14,8 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 14,3 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 23,9 фоизи), Тошкент

(10,1 фоизи), Фарғона (8,6 фоизи) ва Самарқанд (7,4 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 28,4 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 25,5 фоизи саноат ва 12,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 8,1 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 2,6 мингтаси ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2014 йилнинг январь–июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Кичик тадбиркорлик  
(бизнес)**

2014 йилнинг январь–июнида ишлаб чиқарилган Ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)нинг 43,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳисса сига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 фоизга кўпдир. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 2014 йил январь–июнда 26,1 фоизни ташкил этди, 2013 йилнинг январь–июнида ушбу кўрсаткич 25,9 фоизга тенг бўлган.

2014 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

–9715,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 76,4 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 7390,0 минг нафари индивидуал сектор, 2325,6 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

–саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9833,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 28,4 фоизи) ёки 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 113,9 фоизни ташкил қилди;

–4917,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 32,8 фоизи) ўзлаштирилди ва 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 109,5 фоизни ташкил қилди;

–6668,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,0 фоизи) бажарилди ва 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 111,7 фоизни ташкил қилди;

–автомобил транспорти юк айланмасининг 7,8 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 80,3 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 88,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;

–чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 45,6 фоизи ёки 11814,5 млрд. сўми (ўсиш 11,8 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг, мос равишда 45,2 фоизи ёки 4600,0 млрд. сўми (ўсиш 14,3 фоиз) шакллантирилди;

–1607,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 22,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 3090,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 45,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.


2014 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	9833,4	39,0
Қишлоқ хўжалиги	15046,6	100,0
Қурилиш	6668,8	67,7
Чакана савдо	11814,5	62,1
Пуллик хизматлар	4600,0	88,8
Юк ташиш, млн.тн	250,2	68,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	2873,4	93,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	1607,1	2,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	3090,2	15,5

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8926,9 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 91,9 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2014 йилнинг январь–июнида 86 та (дастурий ва нодастурий объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Энг кўп объектлар Тошкент вилоятида – 57 та, Навоий вилоятида – 6 та, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида – 4 тадан объектлар хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 68 та объектни ташкил этади.

2014 йилнинг январь–июнида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 26,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент вилоятига (барча пул маблағларининг 34,3 фоизи), Тошкент шаҳрига (30,8 фоиз), Бухоро (8,6 фоиз), Хоразм (5,3 фоиз), Самарқанд (5,1 фоиз), ва Сурхондарё (3,6 фоиздан) вилоятларига тўғри келади.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2014 йилнинг январь–июнида ташқи савдо айланмаси 13962,4 млн. АҚШ долларини (2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 106,3 фоизни), жумладан 7224,3 млн. АҚШ долларини (108,0 фоизни) – экспорт операциялари 6738,1 млн. АҚШ долларини (104,6 фоизни) – импорт операциялари ташкил этди.


Ижобий ташқи савдо қолдиғи 486,2 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 1053,8 млн. АҚШ долларини, бошқа давлатлар билан минус 567,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–июнида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>13962,4</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	5863,4	42,0
бошқа давлатлар	8099,0	58,0
<b>Экспорт</b>	<b>7224,3</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	3458,6	47,9
бошқа давлатлар	3765,7	52,1
<b>Импорт</b>	<b>6738,1</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	2404,8	35,7
бошқа давлатлар	4333,3	64,3
<b>Қолдиқ</b>	<b>486,2</b>	<b>x</b>
МДҲ мамлакатлари	1053,8	x
бошқа давлатлар	-567,6	x

2013–2014 йиллар январь–июнида республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




**2014 йилнинг январь–июнида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:**

	<u>таркиби, фоиз ҳисобида</u>
<b>Экспорт</b>	<b>100,0</b>
пахта толаси	7,1
озиқ–овқат маҳсулотлари	9,7
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,6
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	32,2
қора ва рангли металллар	6,3
машина ва ускуналар	5,1
хизматлар	20,1
бошқалар	14,9
<b>Импорт</b>	<b>100,0</b>
озиқ–овқат маҳсулотлари	11,3

	<b>таркиби, фоиз ҳисобида</b>
<b>кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар</b>	<b>16,8</b>
<b>энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари</b>	<b>2,5</b>
<b>қора ва рангли металллар</b>	<b>7,7</b>
<b>машина ва ускуналар</b>	<b>42,8</b>
<b>хизматлар</b>	<b>6,7</b>
<b>бошқалар</b>	<b>12,2</b>

## Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2014 йилнинг январь–июнида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– июнига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улуши, фоиз ҳисоби– да
Россия	2936,9	90,0	21,0
Хитой	2640,1	115,3	18,9
Қозоғистон	1932,4	127,9	13,8
Корея Республикаси	1010,5	92,5	7,2
Туркия	722,8	117,8	5,2
Украина	400,5	69,4	2,9


	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– июнига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улуши, фоиз ҳисоби– да
Афғонистон	316,2	115,9	2,3
Германия	293,9	129,4	2,1
Эрон	192,1	142,8	1,4
АҚШ	175,7	96,0	1,3
Франция	150,3	87,6	1,1
Туркманистон	145,0	85,8	1,0
Ҳиндистон	135,5	105,0	1,0
Қирғизистон	125,9	132,6	0,9
Латвия	111,4	88,1	0,8
Бразилия	88,8	74,9	0,6
Беларусь	85,5	90,0	0,6
Италия	86,1	110,5	0,6
Япония	80,3	63,4	0,6
Тожикистон	80,8	112,2	0,6
Польша	72,6	75,2	0,5
Бангладеш	59,6	76,7	0,4
Нидерландия	54,3	147,2	0,4
Швейцария	54,8	66,3	0,4
Буюк Британия	59,7	110,1	0,4
Австрия	50,7	157,3	0,4
Чехия Республикаси	47,1	101,7	0,3
Бельгия	44,9	105,6	0,3

	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– июнига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улуши, фоиз ҳисоби– да
Литва	45,8	151,7	0,3
БАА	45,8	68,8	0,3
Аргентина	38,8	4,2 м.	0,3


2014 йилнинг январь–июнида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

## Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар




## Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

**Саноат**



Саноатда юқори технологик ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида республика саноатининг барқарор ўсишига эришилди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 34658,1 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди. Саноатда меҳнат унумдорлигининг 2013 йилнинг 1-ярим йилига нисбатан 6,3 фоизга ошиши саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 1,4 фоизга ошиб, жорий йилнинг январь-июнь ойларида 28,4 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 27,0 фоиз) ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1154,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида истеъмол молларини ишлаб чиқариш жорий йилнинг 1-ярим йилида 13773,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,8 фоизни ташкил қилди. Жумладан, 5493,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат моллари (106,5 фоиз), 8280,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (113,8 фоиз) ишлаб чиқарилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 36,4 фоизга (2013 йил 1 ярим йиллигида – 31,9 фоиз) етди.


2014 йилнинг январь-июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 й. январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	34658,1	108,1
шу жумладан:		
электроэнергетика	2556,9	102,1
ёқилғи саноати	4653,6	96,5
қора металлургия	838,7	110,3
рангли металлургия	3157,4	104,9

	млрд. сўм	2013 й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
кимё ва нефт–кимё саноати	1771,6	103,7
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	6916,2	117,1
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	539,7	108,0
қурилиш материаллари саноати	2260,7	113,1
енгил саноат	5056,4	112,7
озиқ–овқат саноати	5097,9	107,0

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




- Электроэнергетика
- Ёқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт– кимё саноати
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза– қоғоз саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озиқ– овқат саноати
- Бошқа тармоқлар

## Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январь–июнида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 15311,5 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 8736,1 млрд. сўмни (107,1 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 6575,4 млрд. сўмни (106,7 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Деҳқончилик.** Жорий йилнинг январь–июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 57,1 фоизни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 1 июль ҳолатига жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3635,4 минг гектар майдонни ташкил қилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,8 минг гектар майдонга кўп экин экилган.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1635,6 минг гектарни (2013 йил январь–июнига нисбатан 3,3 минг гектарга кўп), картошка экин майдонлари 79,5 минг гектарни (1,0 минг гектарга кўп), сабзавот экинлари майдони 189,9 минг гектарни (1,4 минг гектарга кўп), озуқа экинлари майдони 311,9 минг гектарни (10,0 минг гектарга кўп) ташкил қилди.

2014 йил ҳосили учун асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экин майдонлари қуйидагича ифодаланади:

	минг гектар	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Экин майдони	3635,4	100,0
Донли экинлар	1635,6	45,0
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	1539,6	42,4
шундан, буғдой	1448,2	39,8
шоли	38,7	1,1
дон учун маккажўхори	34,4	0,9
Техник экинлар	1368,3	37,6
шу жумладан ғўза	1299,9	35,8
Картошка	79,5	2,2
Сабзавот	189,9	5,2
Полиз	49,6	1,4
Озуқа экинлари	311,9	8,6

Ҳосилни йиғиб–териб олиш. Жорий йил 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 5783,0 минг тонна донли, шу жумладан 5772,8 минг тонна бошоқли дон, шундан 5697,5 минг тонна буғдой йиғиб олинди.

Ҳисобот даврида 1225,6 минг тонна картошка қазиб олинди, 2410,4 минг тонна сабзавот, 150,7 минг тонна полиз экинлари, 782,4 минг тонна мева ва резаворлар ҳамда 22,2 минг тонна узум йиғиб олинди.

2014 йил январь–июнь ҳолатига асосий деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Бошоқли экинлар	5783,0	100,2
Картошка	1225,6	111,3
Сабзавотлар	2410,4	110,0
Полиз экинлари	150,7	111,1
Мевалар	782,4	110,1
Узум	22,2	112,0

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,9 фоизни (2013 йил январь–июнида 42,1 фоиз) ташкил этди.

2014 йил 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 453,8 минг бошга (4,4 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 80,7 минг бошга (2,0 фоизга), қўй ва эчкилар сони 654,3 минг бошга (3,7 фоизга), паррандалар сони 5001,7 минг бошга (10,3 фоизга) кўпайди.

2014 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар сони қуйидагича ифодаланади:

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамол	10735,7	104,4
Қўй ва эчкилар	18363,3	103,7
Отлар	208,5	103,0
Паррандалар	53725,2	110,3

Деҳқон хўжаликларининг улушига йирик шохли қорамоллар умумий сонининг 94,1 фоизи, сигирларнинг – 94,7 фоизи, қўй ва эчкиларнинг

– 83,2 фоизи, отларнинг – 84,8 фоизи, паррандаларнинг – 63,8 фоизи, фермер хўжаликларига эса йирик шохли қорамолларнинг 4,9 фоизи, сигирларнинг – 4,4 фоизи, қўй ва эчкиларнинг – 7,2 фоизи, отларнинг – 9,0 фоизи, паррандаларнинг – 12,1 фоизи тўғри келади.

2014 йил январь–июнь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 886,1 минг тонна гўшт (тирик вазнда) (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 фоизга кўп), 3676,5 минг тонна сүт (6,7 фоизга кўп),

2517,2 млн. дона тухум (11,2 фоизга кўп), 17,3 минг тонна жун (6,3 фоизга кўп) етиштирилди.

2014 йил январь–июнида чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2014й. январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	886,1	106,5
Сут, минг тн.	3676,5	106,7
Тухум, млн. дона	2517,2	111,2
Жун, тн.	17263	106,3
Қоракўл тери, минг дона	901,9	100,8

Чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришдаги ўсиш барча вилоятлар бўйича асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига амалга ошди. Деҳқон хўжалиklarининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 56,5 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2014 йилнинг январь–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3534,3 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 103,7 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 23,1 фоизни ташкил этди.

2014 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжалиklarида йирик шоҳли қорамоллар 523,5 минг бошни, шу жумладан сигирлар 181,3 минг бошни, қўй ва эчкилар 1323,6 минг бошни, паррандалар 6508,6 минг бошни ташкил қилди.

2014 йил январь–июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Бошоқли экинлар	4790,7	83,0	100,4

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
шу жумладан, буғдой	4738,2	83,2	100,4
Картошка	132,6	10,8	107,8
Сабзавотлар	385,4	16,0	110,6
Полиз экинлари	57,2	38,0	109,7
Мевалар	268,6	34,3	109,8
Узум	5,8	25,9	102,3
Гўшт (тирик вазнда)	21,5	2,4	106,8
Сут	128,9	3,5	108,2
Тухум, млн. дона	231,2	9,2	108,2
Жун, тонна	1,3	7,6	106,9
Қоракўл, минг дона	47,5	5,3	106,6

## Инвестициялар ва қурилиш

2014 йилнинг январь–июнида республикада асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг АҚШ долларидagi эквиваленти 6,7 миллиард АҚШ долларини ёки 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 112,8 фоизни ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–июнида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 15014,5 млрд. сўмга тенг бўлди ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 110,8 фоизга ўсди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 24,6 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 фоизга ўсди.

2014 йилнинг январь–июнида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	<u>якунга нисбатан фоиз ҳисобида</u>		
	Жами	шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	15014,5	3363,3	11651,2
шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	5,7	23,6	0,6
суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	0,3	1,5	–
корхоналар ва аҳоли маблағлари	51,3	24,6	59,0
чет эл инвестициялари ва кредитлари	20,0	13,2	21,9
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11,9	1,4	14,9
бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	10,8	35,7	3,6

2014 йилнинг январь–июнида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:

млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
-----------	-------------------------------




	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
<b>Жами</b>	<b>15014,5</b>	<b>100,0</b>
<b>Ишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>9079,5</b>	<b>60,5</b>
<b>саноат</b>	<b>4851,4</b>	<b>32,3</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>ёқилғи-энергетика саноати</b>	<b>2974,6</b>	<b>19,8</b>
<b>металлургия</b>	<b>335,2</b>	<b>2,2</b>
<b>кимё ва нефт-кимё саноати</b>	<b>262,9</b>	<b>1,8</b>
<b>машинасозлик</b>	<b>367,2</b>	<b>2,4</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>279,7</b>	<b>1,9</b>
<b>озиқ-овқат саноати</b>	<b>214,0</b>	<b>1,4</b>
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	<b>234,4</b>	<b>1,6</b>
<b>қишлоқ хўжалиги</b>	<b>657,6</b>	<b>4,4</b>
<b>қурилиш</b>	<b>256,3</b>	<b>1,7</b>
<b>транспорт ва алоқа</b>	<b>1993,1</b>	<b>13,3</b>
<b>савдо ва овқатланиш</b>	<b>706,3</b>	<b>4,7</b>
<b>геология ва ер ости бойликларини     излаш</b>	<b>397,3</b>	<b>2,6</b>
<b>бошқалар</b>	<b>217,5</b>	<b>1,5</b>
<b>Ноишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>5935,0</b>	<b>39,5</b>
<b>уй-жой қурилиш</b>	<b>3808,9</b>	<b>25,3</b>
<b>коммунал хўжалик</b>	<b>451,5</b>	<b>3,0</b>

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
соғлиқни сақлаш	448,6	3,0
таълим	507,8	3,4
маданият ва санъат	120,1	0,8
бошқалар	598,1	4,0

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестицияси ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 3808,9 млрд. сўми уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди ёки умумий ҳажмга нисбатан 64,2 фоизни ташкил этди.

2014 йилнинг январь–июнида умумий майдони 5755,7 минг кв.м. бўлган 43,5 мингта уй ёки 44,3 мингта хонадон (2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 113,9 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 4350,7 минг кв.м. (115,9 фоиз) уй–жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янги қуришда ва капитал қайта таъмирлашда 210,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 47,0 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 120,0 млрд. сўмлик инвестициялар, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 131,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг мос равишда 23,6 фоизини ва 25,9 фоизини ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 238,0 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 111,1 млрд. сўм (умумий ҳажмдан 46,7 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 112,9 млрд. сўм (47,4 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 9,7 млрд. сўм (4,1 фоизи), корхона маблағлари ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан 4,3 млрд. сўм (1,8 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди; газ тармоқлари қурилишига 9,0 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, бу маблағнинг 6,4 млрд. сўми (71,1 фоизи) аҳоли маблағлари ҳисобига ва 2,6 млрд. сўми (28,9 фоизи) корхона ва ташкилотлар ҳисобига тўғри келади.

Қурилиш фаолияти. 2014 йилнинг январь–июнида 9394,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 117,4 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,7 фоизи корхоналарни янги қурилиши, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 17,6 фоизи капитал ва жорий таъмирлашга, 1,7 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

**Юк ташиш.** 2014 йилнинг январь–июнида барча транспорт турлари томонидан 637,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 104,6 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 40,2 млрд.тн-км.ни ёки 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 102,5 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:




2014 йил январь–июнь	2013 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
-------------------------	--

	2014 йил январь–июнь	2013 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юк, млн. тн.</b>	<b>637,4</b>	<b>104,6</b>
темир йўл транспортида	32,4	104,0
автомобил транспортида	571,8	104,9
ҳаво транспортида, минг тн	10,7	108,3
қувур йўллари орқали	33,2	100,2
<b>Юк айланмаси, млн. тн-км</b>	<b>40239,0</b>	<b>102,5</b>
темир йўл транспортида	11585,4	100,1
автомобил транспортида	12497,6	107,5
ҳаво транспортида	53,5	102,6
қувур йўллари орқали	16102,5	100,5

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига  
нисбатан фоиз ҳисобида

---



**2014 йил январь–июнида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:**

	МИНГ ТОННА	2013 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Юклар – жами</b>	<b>32 457,8</b>	<b>104,0</b>
<b>шу жумладан:</b>		
тошкўмир	2 180,2	81,4
нефт маҳсулотлари	5161,5	84,7
қора металллар	392,2	91,6
қора метал темир–терсаклари	346,9	95,1
кимёвий ва минерал ўғитлар	2063,5	89,3
қурилиш материаллари	3746,2	111,8
цемент	2558,9	101,8
ёғоч–тахта материаллари	61,1	103,3
дон ва янчилган дон маҳсулотла– ри	552,4	95,4

Автомобил транспортида 571,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2013 йил январь–июнига нисбатан 4,9 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 12,5 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 7,5 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2013 йил январь–июнь даражасидан 7,5 фоизга кўпайди

ва 9,3 млрд. тн-км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айлан-масининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши ўтган йилдаги каби 74,2 фоизни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 10,7 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, 2013 йил январь-июнига нисбатан 8,3 фоизга кўпайди, юк айланмаси эса 2,6 фоизга ўсди ва 53,5 млн.тн-км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 16,1 млрд. тн-км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,5 фоизга кўпайди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 3437,2 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йил январь-июнига нисбатан 4,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 5,1 фоизга кўпайиб, 45,8 млрд. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2014 йил январь-июнь	2013 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>3437,2</b>	<b>104,7</b>
темир йўл транспортида	10,0	112,6
автомобил транспортида	3389,8	104,8
ҳаво транспортида	1,2	94,1
шаҳар электр транспортида	36,2	96,0
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>45800,3</b>	<b>105,1</b>
темир йўл транспортида	1832,5	101,1
автомобил транспортида	40461,6	106,5
ҳаво транспортида	3261,0	92,3
шаҳар электр транспортида	245,2	97,9

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,6 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,3 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 12,6 фоизга ошди ва 10,0 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 1,1 фоизга ошди ва 1832,5 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1197,2 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2013 йилнинг январь-июнига нисбатан 5,9 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 3261,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,7 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2013 йилнинг январь-июнига нисбатан, мос равишда, 6,7 фоизга камайди.

## Товарлар ва хизматлар бозори

2014 йилнинг январь-июнида чакана товар айланмаси 25909,8 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг январь-июнига нисбатан 113,7 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 51,9 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улуши 48,1 фоизни ташкил қилди (2013 йилнинг январь-июнида – мос равишда 52,3 ва 47,7 фоиз).

2014 йилнинг январь-июнида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 йилнинг январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	25909,8	113,7
давлат мулки	44,4	82,3
нодавлат мулки	25865,4	113,8
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	17906,2	112,9

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 10185,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2013 йилнинг январь-июнига нисбатан 12,4 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо



корхоналарининг улуши 39,3 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 21,7 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қорамол сотиш ҳажми 14,9 фоизга ошди ва 10411,3 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 40,2 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 5312,8 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2013 йил январь–июнига нисбатан 13,9 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида ушбу секторнинг улуши 20,5 фоизга тенг бўлди.

2014 йилнинг январь–июнида чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>25909,8</b>	<b>113,7</b>	<b>100,0</b>
савдо корхоналари	10185,7	112,4	39,3
бозорлар	15724,1	114,5	60,7
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	5312,8	113,9	20,5
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	10411,3	114,9	40,2

2014 йилнинг январь–июнида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 10186,3 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 109,7 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 61,5 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 6264,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва 6,6 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 15,0 фоизга ўсиб, 3921,8 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 38,5 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 84,3 фоизни ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–июнида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>10186,3</b>	<b>100,0</b>
давлат мулки	1594,9	15,7
нодавлат мулки	8591,4	84,3
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	4102,5	40,3

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 8,6 фоизни ёки 872,7 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг реал ҳажми 2013 йилнинг январь–июнига нисбатан 16,3 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 87,5 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 763,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва 17 фоизга ошди.

2014 йилнинг январь–июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>36268,4</b>	<b>114,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	1950,2	125,4	5,4
Компьютерли дастурлаш	85,4	118,4	0,2

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>хизматлари</b>			
Молиявий хизматлар	3226,2	134,5	8,9
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	9815,2	106,8	27,1
Қурилиш хизматлари	1545,2	118,1	4,3
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	163,5	119,3	0,4
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	51,2	139,1	0,1
Туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда)	147,0	113,4	0,4
Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	7822,2	115,5	21,6
Маиший хизматлар	1296,2	119,2	3,6
Таълим хизматлари	964,9	109,2	2,7
Соғлиқни сақлаш хизматлари	394,2	116,3	1,1
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлари	200,7	110,9	0,5
Бошқа хизматлар	8606,3	110,6	23,7

Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (139,1 фоиз), молиявий хизматлар (134,5 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (125,4 фоиз), технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (119,3 фоиз), маиший хизматлар (119,2 фоиз), компьютерли дастурлаш хизматлари (118,4 фоиз), қурилиш хизматлари (118,1 фоиз), соғлиқни сақлаш хизматлари (116,3 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (115,5 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 27,1 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (21,6 фоизи), молиявий хизматлар (8,9 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,4 фоизи) хизматлари ҳиссасига тўғри келди.

## Нарх ва тарифлар

### Январь–июнда наرخлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши (наrx–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	ўртача ойлик даражаси		июнь оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2013й.	2014й.	2013й.	2014й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,5	3,5	3,2
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	0,9	0,9	5,2	5,7
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	2,2	0,7	14,3	4,6

### Январь–июнда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2013й.	2014й.
Жами	105,2	105,7
шу жумладан:		
электроэнергетика	105,8	109,1
ёқилғи саноати	104,4	107,1

	2013й.	2014й.
қора металлургия	110,7	103,4
рангли металлургия	107,1	114,4
кимё ва нефт-кимё саноати	113,1	107,1
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	101,3	101,4
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	102,4	106,5
қурилиш материаллари саноати	121,8	115,8
енгил саноат	102,5	100,5
озиқ-овқат саноати	102,7	106,1
ун-ёрма саноати	100,0	100,0

**Январь-июнда юридик шахслар учун алоқа хизматлари  
тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2013й.	2014й.
Жами хизматлар	114,3	104,6
шу жумладан:		
почта алоқаси	100,0	124,6
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0
шаҳарлараро	100,0	100,0

	2013й.	2014й.
телефон алоқаси		
телеграф алоқаси	100,0	100,0
уяли алоқа	148,5	104,9

### Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига республикада доимий аҳоли сони 30702,8 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 210,0 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди. Шундан, 15633,8 минг киши – шаҳар (умумий аҳоли сонининг 50,9 фоизи) ва 15069,0 минг киши – қишлоқ жойларида (49,1 фоизи) истиқомат қилади.

Январь–июнда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари қуйидагича ифодаланади:

	минг киши		ҳар 1000 кишига	
	2013 йил	2014 йил	2013 йил	2014 йил
Туғилганлар	272,8	296,8	18,3	19,6
Ўлганлар	70,0	72,0	4,7	4,7
шу жумладан бир ёшгача болалар <sup>*)</sup>	3,1	3,3	10,2	9,6
Никоҳлар, мингта	108,4	107,8	7,3	7,1
Ажралишлар, мингта	11,1	14,4	0,7	1,0

Туғилиш даражаси. 2014 йилнинг январь–июнида туғилганлар сони – 296,8 мингтани ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига

<sup>\*)</sup> Ҳар 1000 та туғилганга

(272,8 минг киши) нисбатан 24,0 минг кишига кўпайди. Туғилиш коэффициентлари мос равишда 19,6 промиллени ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (18,3 промилле) нисбатан 1,3 промиллега кўпайди.

Ўлим даражаси. 2014 йилнинг январь–июнида ўлганлар сони – 72,0 мингтани ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (70,0 минг киши) нисбатан 2,0 минг кишига кўпайди. Ўлим коэффициентлари мос равишда 4,7 промиллени (2013 йил январь–июнда 4,7 промиллени) ташкил қилди.

Ўлганлар умумий сонидан 60,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,4 фоизи – ўсма касалликларидан, 5,5 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,1 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–июнида бир ёшга тўлмаган 3,3 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициентлари 9,6 промиллени ташкил қилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 40,1 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 30,9 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 7,6 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,6 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2014 йилнинг январь–июнида ФХДЁ органларида 107,8 мингта никоҳлар ва 14,4 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,1 та (2013 йилнинг шу даврида – 7,3 та) никоҳ ва 1,0 та (2013 йилнинг шу даврида – 0,7 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 73,1 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 87,8 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 14,7 минг кишини (2013 йилнинг шу даврида – минус 14,1 минг киши) ташкил этди.

Бандлик. 2014 йилнинг январь–июнь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 13406,2 минг кишини ёки умумий аҳоли сонининг 43,8 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–июнь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 12714,8 минг кишини ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси транспорт ва алоқа соҳасида (3,9 фоизга), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (3,9 фоизга), уй–жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турида (3,7 фоизга), савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов соҳасида (3,6 фоизга), қурилишда (3,4 фоизга) кузатилди.

2014 йилнинг январь–июнида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,8 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 81,2 фоизга етди, бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврида 80,6 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик<sup>\*)</sup>. 2014 йил июнь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 9,4 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврига (13,7 минг киши) нисбатан 4,3 минг кишига фоизга камайган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2014 йил январь–июнида 691,4 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,2 фоизга тенг бўлди.

---

<sup>\*)</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида